ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.01.2020.I.10.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ

МУХТОРОВ ЎЗБЕКХОН БУРХОНОВИЧ

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ЕР РЕСУРСЛАРИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

08.00.04 – Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти ва
06.01.10 – Ер тузиш, кадастр ва ер мониторинги (иқтисодиёт фанлари)

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2021

УЎК: 631.1:332:338.246(575.152)(043.3)

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по экономическим наукам

Content of the Dissertation Abstrakt of doctor of philosopy (PhD) in Economics Sciences

Мухторов Ўзбекхон Бурхонович
Қишлоқ хўжалигида ер ресурсларидан самарали фойдаланишни рағбатлантириш механизмларини такомиллаштириш **3**

Мухторов Ўзбекхон Бурхонович
Совершенствование механизмов стимулирования эффективного использования земельных ресурсов в сельском хозяйстве **26**

Mukhtorov Uzbekhon Burkhonovich
Improvement of mechanisms for stimulating the effective use of land resources in agriculture .....…… **49**

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works ……..……..... **53**

ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSC.03/30.01.2020.I.10.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ

МУХТОРОВ ЎЗБЕКХОН БУРХОНОВИЧ

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ЕР РЕСУРСЛАРИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

08.00.04 – Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти ва
06.01.10 – Ер тузиш, кадастр ва ер мониторинги (иқтисодиёт фанлари)

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.2.PhD/Iqt.409 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ва “ZiyoNet” Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	**Султанов Баходир Файзуллаевич,** иқтисодиёт фанлари доктори (DSc)
Расмий оппонентлар:	**Ҳасанов Шавкат Турсунқулович,** иқтисодиёт фанлари доктори (DSc)
	Караматов Озодбек Оринбоевич, иқтисодиёт фанлари доктори, доцент
Етакчи ташкилот:	**Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.01.2020.I.10.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил “___” _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Қори-Ниёзий кўчаси, 39-уй. Тел.: (99871) 237-46-68, e-mail: admin@tiiame.uz).

Диссертация билан Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Қори-Ниёзий кўчаси, 39-уй. Тел.: (99871) 237-19-45, e-mail: admin@tiiame.uz).

Диссертация автореферати 2021 йил “___” _____ куни тарқатилди.

(2021 йил «___» _____ даги ____ рақамли реестр баённомаси).

Н.С.Хушматов,
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси ўринбосари, и.ф.д., профессор

С.Р.Умаров,
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, и.ф.д., профессор

Н.С.Хушматов,
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, и.ф.д., профессор

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Ривожланган давлатларда ердан фойдаланиш ва уни давлат томонидан тартибга солишда тупроқ унумдорлигини қайта тиклаш, сақлаш ҳамда ошириш жараёнларини иқтисодий рағбатлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Зеро, 2009 йилда БМТ Бош Ассамблеясининг 63-сессиясига асосан 2010 йилдан бошлаб, 22 апрел Халқаро ер куни деб эълон қилинган[1]. Чунки, узоқ тарихий давр мобайнида аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашга қаратилган стратегияларни амалга ошириш мақсадида ердан фойдаланиш борасидаги қарорларнинг уларнинг экологик оқибатларини ҳисобга олинмагани ҳолда қабул қилиниши, биринчидан қишлоқ хўжалиги экин майдонлари ҳажмининг камайиши, иккинчидан эса мавжуд ерлар сифатининг, хусусан, тупроқ унумдорлигини кескин пасайишига олиб келган.

XXI асрда рўй бераётган глобал иқлим ўзгаришлари, биологик хилма хилликнинг камайиб бориши натижасида экологик инқирознинг кескинлашиши, пандемия шароитида мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш масаласининг янада долзарблашиши қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантириш мақсадларига қўшимча “босим” юкламоқда. Ерга бўлган жорий муносабатнинг сақланиб қолиши эса “2050 йилга бориб аҳоли жон бошига тўғри келадиган жами экин майдони ва унумдор ерларни 1960 йил даражасининг фақатгина тўртдан бирига тўғри келиши”[2] оқибатларига олиб келиши мутухассислар томонидан ҳисобланган. Шу жиҳатдан тупроқ унумдорлигини тиклаш, сақлаш ва ошириш орқали тармоқда кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришни таъминлаш глобал вазифа сифатида юзага чиқди.

Республикамизда қишлоқ хўжалиги ерларидан самарали фойдаланишни рағбатлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “қишлоқ хўжалигини модернизация қилишда ер ресурсларидан самарали ва оқилона фойдаланиш”[3] бўйича устувор вазифалар белгилаб берилган. Ушбу вазифалар ижросини таъминлаш, энг аввало, қишлоқ хўжалиги ерларидан самарали фойдаланишда ер солиғининг рағбатлантирувчи дастакларини такомиллаштириш, тупроқ унумдорлигини сақлаш ва оширишга қаратилган тадбирларни молиялаштириш манбаларини асослаш ва қишлоқ хўжалиги ерларини муҳофазалаш чора-тадбирларини кучайтиришга қаратилган илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июндаги ПФ-5742-сон “Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида” ва 2019 йил 23 октябрдаги ПФ-5853-сон “Ўзбекистон

[1] https://www.un.org/press/en/2009/ga10823.doc.htm

[2] Девид Р.Монттомери. Почва. Эрозия почва. Анкара. – 2015. – 409 стр.

[3] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси” тўғрисидаги фармони. https://lex.uz/docs/3107036

Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармонлари, 2017 йил 27 ноябрдаги ПҚ-3405-сон “2018-2019 йилларда ирригацияни ривожлантириш ва суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш давлат дастури тўғрисида” ва 2021 йил 24 февралдаги ПҚ-5006-сон “Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти маълум даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республикада фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналишлари доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Қишлоқ хўжалигида ер ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ва рағбатлантиришнинг илмий-назарий асослари кўплаб олимлар, жумладан, Д.Рикардо, А.Маршалл, М.Буздалов, А.Варламов, С.Волков, В.Вершинин, Н.Комов, В.Коротнев, Ю.Лютих, С.Миндрин, В.Назаренко, М.Ушачев, А.Югай[4] ва бошқа хорижий тадқиқотчиларнинг изланишларида баён этилган ҳамда маълум илмий асосланган натижаларга эришилган.

Республикамизда аграр соҳада иқтисодий самарадорлик ва моддий рағбатлантириш тизимини такомиллаштириш йўналишларида мустақиллик давригача ва бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида турли вазифаларни ҳал этиш мақсадида З.Хошимов, Г.Михтеева, А.Маматказин, А.Рахматуллаев,

[4] Д.Рикардо. Начало политической экономики и налогообложения // Антология экономической классики. в 2-х томах. Т.1.М.: Эконов 1991.-71 стр.; А.Маршалл. Принципы экономической науки. – М.: Прогресс, 1993.-317 стр.; М.Буздалов. Интенсификация, земельная рента, эффективность – М.: ВИАПИ им. А.А.Никонова, ЭРД, 2008.-7 стр.; А.Варламов и др. Государственное регулирование земельных отношений. М.: “Колос” 1999.-264 стр.; С.Волков. Основы землевладения и землепользования. – М.: “Колос” – 1992.-145 стр.; В.Вершинин. Пробемы деградации и возобновление продуктивных земель сельскохозяйственного назначения в России. – М.:, 2008.-215 стр.; Н.Комов, Д.Аротский. Методология управления земельными ресурсами на региональном уровне – Нижный Новгород, 2000.-142 стр.; В.Коротнев. Стимулирование как фактор управления рациональным землепользованием АПК экономика управления землеполь-зованием – 2003. №10.-188 стр.; Ю.Лютих. Землепользование: Новый этап развития / Красноярск – 2000.-228 стр.; С.Миндрин и др. Теоретические и методологические основы планирование мероприятий по организации рационального использования и охрана сельскохозяйственных земель – М.: ООО “НИПКЦ Восход-А”, 2001.-387 стр.; В.Назаренко и др. Государственная поддержка сельского хозяйства в странах развитой рыночной экономикой. ВНИИТЭИ АПК. М.: 2001.-152 стр.; И.Ушачев, А.Югай. Организационно-экономические основы стимулирования рационального использования сельскохозяйственных земель и производства экономически чистой продукции. Методологической пособие – М.: ВНИИЭСХ – 2006.-302 стр.; А.Югай. Материальные стимулы и проблемы восстановления плодородие сельскохозяйственных земель // Экономика, труд и управления в сельском хозяйстве – 2010 № 3.-стр. 9-16.

Э.Қурбонов, А.Тошқулов, Ш.Ҳасанов, А.Алтиев[5] каби аграр иқтисодчи олимлар томонидан илмий изланишлар олиб борилган.

Аммо, юқорида қайд этилган тадқиқотларда асосий эътибор ердан самарали фойдаланишнинг ташкилий-иқтисодий асосларини такомиллаштиришга қаратилган бўлиб, тупроқ унумдорлигини сақлаш ва ошириш муаммолари алоҳида тадқиқот предмети сифатида чуқур тадқиқ этилмаган. Шунингдек, эркин бозор муносабатлари кенг жорий этилаётган ҳамда рақамлаштириш шароитида иқлим ўзгаришига мослашган қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этиш долзарб масалалардан саналади. Бу эса, энг аввало ерга бўлган иқтисодий муносабатларни тубдан қайта кўриб чиқишни талаб этади. Шу боис, қишлоқ хўжалигида ер ресурсларидан самарали фойдаланишда асосий восита саналган тупроқ унумдорлигини сақлаш, қайта тиклаш ҳамда ошириш тадбирларини иқтисодий рағбатлантириш механизмларини такомиллаштириш зарурияти мазкур муаммонинг диссертация мавзуси сифатида танлашга асос бўлди.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг 6.6 “Ер ресурсларидан самарали фойдаланишни рағбатлантиришда геоинновацион технологиялар” ва МУ-ПЗ-2017-102443-“Деҳқон ва томорқа хўжаликлари ерларидан фойдаланишнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини эркинлаштириш стратегиясининг концептуал асосларини яратиш” мавзусидаги амалий лойиҳа-лар доирасида бажарилган (2018-2019 йй.).

Тадқиқотнинг мақсади қишлоқ хўжалигида ер ресурсларидан самарали фойдаланишни рағбатлантириш механизмларини такомиллаштириш бўйича илмий-амалий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

қишлоқ хўжалигида ер ресурсларидан самарали фойдаланиш ва уни рағбатлантиришнинг моҳияти, усулларини илмий-назарий ва услубий жиҳатдан тадқиқ этиш;

хорижий давлатларнинг қишлоқ хўжалигида ердан самарали фойдаланишни рағбатлантириш бўйича аҳамиятга молик тажрибаларини умумлаштириш ва республика иқтисодиётига жорий этиш йўналишларини ишлаб чиқиш;

---

[5] З.Хашимов. Экономический эффективность использования новых орашаемых земель. дисс. … к.э.н. 1981.-125 стр.; Г.Михтиева. Резервы рационального использования орошаемых земель. дисс. … к.э.н. 1980.-137 стр.; А.Маматказин. Повышение материальной заинтересованности работников сельского хозяйства в условиях арендных отношений. дисс. … к.э.н. 1990.-132 стр.; А.Рахматуллаев. Бозор иқтисодиёти шароитида қишлоқ хўжалик ер муносабатларини такомиллаштириш. дисс. к.э.н. 2002.-123 стр.; Э.Қурбонов. Кўп укладли иқтисодиёт шароитида суғориладиган ерлар самарадорлигини ошириш йўллари. дисс. и.ф.н. 2004.-126 стр.; А.Тошқулов. Солиқ солиш ва ердан фойдаланиш самарадорлигини иқтисодий рағбатлантириш. дисс. ... и.ф.н.2021. – 218 бет.; Ш.Ҳасанов. Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш. дисс. ... и.ф.д. 2017. – 224 бет.; А.Алтиев. Ер ресурсларидан фойдаланиш тизимини тартибга солишнинг механизмларини такомиллаштириш. дисс... и.ф.д. 2017. – 238 бет.

суғориладиган ерларнинг миқдор ва сифат жиҳатдан ўзгариш ҳолати таҳлиллари асосида мавжуд муаммо ва тенденцияларни аниқлаш;

республикамиз қишлоқ хўжалигида ер ресурсларидан самарали фойдаланишни рағбатлантиришнинг мавжуд меъёрий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан бошқа мақсадда фойдаланилганда жарима миқдорларини аниқлаш услубларини такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;

қишлоқ хўжалиги ерларидан самарали фойдаланишни рағбатлантиришнинг ташкилий-услубий асосларини такомиллаштириш бўйича таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш;

қишлоқ хўжалиги ер турларини миқдор ва сифат жиҳатдан мониторинг қилиш жараёнларини рақамлаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида қишлоқ хўжалигида ер ресурсларидан фойдаланувчи бозор субъектлари ҳамда ердан самарали фойдаланишни рағбатлантириш функцияларини бажарувчи давлат ва нодавлат ташкилотлар ва уларнинг ҳудудий бўлинмалари танлаб олинган.

Тадқиқотнинг предметини қишлоқ хўжалигида ердан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ва рағбатлантириш механизми шаклланиши билан боғлиқ ташкилий-иқтисодий ва ҳуқуқий муносабатлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотлар жараёнида абстракт фикрлаш, иқтисодий ва статистик таҳлил, қиёсий таққослаш, гуруҳлаш ва бошқа усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ер участкасининг ўлчами, сифати, пировард маҳсулот бозор нархини ҳисобга олган ҳолда ер майдонларидан хўжасизларча ва бошқа мақсадларда фойдаланилганда қўлланиладиган жарима миқдорини аниқлашга қаратилган услубий ёндашув ишлаб чиқилган;

тупроқ бонитет балини оширишни рағбатлантирувчи ***($К_р$)*** ва аксинча жазоловчи ***($К_ж$)*** коэффициентлар орқали суғориладиган ерларнинг меъёрий қийматини аниқлаш бўйича услубий ёндашув такомиллаштирилган;

қишлоқ хўжалиги ерларини сифат жиҳатидан баҳолаш ва маълумотлар базасини шакллантириш жараёнларини рақамлаштириш мақсадида “Agro Land” мобиль иловаси ишлаб чиқилган ҳамда геоахборот (ГАТ) мониторингини юритиш “Геохизмат”и фаолиятини ташкил этиш асосланган;

қишлоқ хўжалигида ерларнинг мелиоратив ҳолати ва тупроқ унумдорлигини ошириш мақсадида “Тупроқ унумдорлигини сақлаш ва ошириш Жамғармаси”ни ташкил этиш таклиф этилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

қишлоқ хўжалигида ердан фойдаланиш самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар тизими тупроқ унумдорлиги, уни сақлаш ва оширишни назарда тутувчи индикаторлар асосида такомиллаштирилган;

аграр соҳада ерлардан самарали фойдаланишни рағбатлантириш ва давлат томонидан қўллаб-қувватлаш бўйича хорижий тажрибаларнинг республика иқтисодиётида қўллаш йўналишлари ишлаб чиқилган;

қишлоқ хўжалигида ер ресурсларидан самарали фойдаланишни рағбатлантиришнинг меъёрий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган;

қишлоқ хўжалиги ерлари ҳисоби, ҳолатини сифат ва ўлчов миқдори жиҳатидан баҳолаш, мониторингини юритиш ҳамда геоахборот технологияларидан самарали фойдаланиш асосида тизим фаолиятини рақамлаштириш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги Ўзбекистон Республикаси “Давергеодезкадастр” қўмитаси маълумотларидан фойдаланилганлиги, иқтисодчи олимларининг ер ресурсларидан самарали фойдаланиш бўйича илмий-амалий қарашларини қиёсий ва танқидий таҳлил қилиш, тадқиқот жараёнида қўлланилган методологик ёндашув ва усулларнинг илмий асосланганлиги, ахборот базаси расмий манбалардан олинганлиги, шунингдек, таклиф ва тавсиялар амалда синовдан ўтганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижасида тайёрланган тавсиялар қишлоқ хўжалигида ер ресурсларидан самарали фойдаланиш, тупроқ унумдорлигини сақлаш ва ошириш, пировард натижада ушбу жараёнларни иқтисодий рағбатлантириш механизмларини такомиллаштиришнинг назарий асосларини бойитишга хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, хулоса ва таклифлар қишлоқ хўжалиги ерларидан самарали фойдаланишни ташкил этишда замонавий услубларни жорий этиш, тупроқ унумдорлиги сақлаш ва ошириш ишларини рағбатлантириш бўйича мақсадли дастурлар, “Йўл хариталари” ва чора-тадбирлар ишлаб чиқишда қўлланилиши мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Қишлоқ хўжалигида ер ресурсларидан самарали фойдаланишни рағбатлантириш механизмларини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

қишлоқ хўжалиги ерларидан бошқа мақсадда фойдаланилганда жарима миқдорларини аниқлаш бўйича ишлаб чиқилган услубий ёндашуви Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси тизим ташкилотларида жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг 2020 йил 20 майдаги 02-05-5156-сон маълумотномаси). Ушбу услубий ёндашувни амалиётга қўлланилиши жарима миқдорини амалдагига нисбатан 5-6 баробарга юқори бўлиб, тупроқ унумдорлигини қайта тиклаш, сақлаш ва ошириш тадбирларини молиялаштириш имконияти яратилган.

суғориладиган ерларнинг меъёрий қийматини аниқлаш асосида табақалаштирилган ер солиғини ҳисоблаш бўйича таклифлари Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси томонидан амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Ер

ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг 2020 йил 20 майдаги 02-05-5156-сон маълумотномаси). Натижада, Қашқадарё вилояти Нишон тумани Пахтаобод массивидаги пахта-ғаллачиликка ихтисослашган фермер хўжаликларида тупроқ унумдорлигини ошириш эвазига ер солиғи юки ўртача 19,5 фоизга камайган, аксинча иқтисодий санкцияларни қўлланилганда ўртача 15,9 фоизга ошиши асосланган;

қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларнинг миқдор ва сифат мониторингини рақамлаштириш тизимини такомиллаштириш бўйича таклифлари Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси тизим ташкилотларида жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг 2020 йил 20 майдаги 02-05-5156-сон маълумотномаси). Натижада, “Agro Land” мобиль иловаси орқали ҳудудларда қишлоқ хўжалиги ерлари мониторингини самарали ташкил этиш ва қишлоқ хўжалигида геоахборот мониторингини олиб бориш “Геохизмат”и асосида қишлоқ хўжалиги ерларини сифат жиҳатдан баҳолаш имконияти яратилган;

қишлоқ хўжалигида ерларнинг мелиоратив ҳолати ва тупроқ унумдорлигини оширишга қаратилган “Тупроқ унумдорлигини сақлаш ва ошириш Жамғармаси”ни ташкил этиш бўйича тавсиялари Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси тизим ташкилотларида жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг 2020 йил 20 майдаги 02-05-5156-сон маълумотномаси). Натижада, тупроқ унумдорлигини сақлаш ва ошириш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва тупроқни ҳимояловчи тизимларни амалга оширган хўжалик юритувчи субъектларни иқтисодий рағбатлантиришда молиявий манбаларни шакллантириш имконияти таъминланган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот натижалари асосида 15 та илмий иш чоп этилган. Уларнинг 6 таси Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан чоп этиш тавсия қилинган илмий нашрларда, жумладан, 5 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда эълон қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат, умумий ҳажми 141 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация тадқиқотининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқот мақсади ва вазифалари ҳамда объект ва предметлари шакллантирилиб, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишига мослиги кўрсатилган, тадқи-

қотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган. Олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамиятлари, тадқиқот натижаларининг жорий қилинганлиги, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Қишлоқ хўжалигида ер ресурсларидан самарали фойдаланиш ва уни рағбатлантиришнинг илмий-назарий асослари”** деб номланган биринчи бобида қишлоқ хўжалигида ер ресурсларидан самарали фойдаланиш моҳияти ва рағбатлантиришнинг илмий-назарий асослари ҳамда ушбу йўналишдаги хорижий тажрибаларнинг аҳамиятга молик жиҳатларини республикамиз иқтисодиётига жорий этиш масалалари ёритилган.

Маълумки, қишлоқ хўжалигида ер ресурсларини ишлаб чиқаришнинг асосий воситаси хусусиятлари нуқтаи назардан қаралгани ҳолда унинг унумдорлик хусусиятлари тўлиқ назарда тутилмайди. Бу ўз навбатида ердан самарали фойдаланишни рағбатлантириш механизмларини амалиётга жорий этишда қўлланилиши лозим бўлган мезонларга таяниш жараёнларида маълум бир муаммоларни юзага келтириб чиқаради.

Шу боис, бизнингча ер ресурсларини ишлаб чиқаришнинг асосий воситаси хусусиятларидан келиб чиқиб, ердан фойдаланишда унинг эътиборга олиниши лозим бўлган хусусиятларини икки гуруҳга ажратиш мақсадга мувофиқ. Яъни, ернинг маълум бир макон (ер участкаси) сифати билан боғлиқ хусусияти ҳамда ернинг юқори қисми саналган унумдор қатлами (тупроқ) билан боғлиқ хусусиятлари. Ишлаб чиқариш воситаси сифатида ер участкалари (макон) эмас, балки тупроқ, яъни унинг асосий хусусияти саналган унумдорлиги ҳисобланади. Зеро, сифат жиҳатдан ёмон ерлар қишлоқ хўжалиги оборотидан чиқиб кетиши боис, у ишлаб чиқариш воситаси саналмайди (1-расм).

“Тупроқ унумдорлиги нисбий тушунча бўлиб, унумдорлик нафақат тупроқ хоссаларига, балки ўстириладиган экинлар турига ҳам боғлиқ. Масалан, муайян бир тупроқ алоҳида ўсимликлар учун унумдор ҳисобланса, бошқасига кам унумли бўлади. Чунки ҳар хил ўсимликларнинг тупроқ унумдорлигига (омилларига) бўлган талаби бир хил эмас”[6].

Шу боис, асосий масала тупроқ унумдорлигини сақлаш ҳамда оширишга қаратилган бўлиб, у асосан учта ёндашув асосида амалга оширилади: Яъни, тўлиқ бўлмаган ва қисман қайта тиклаш; оддий такрор ишлаб чиқариш тамойилига асосан тиклаш; тупроқ унумдорлигини кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш тамойиллари асосида тиклаш.

Биринчи ҳолатда қишлоқ хўжалигида тупроқ унумдорлигининг камайиши, иккинчи ҳолатда мавжуд унумдорликни сақлаб қолиш, учинчи ҳолатда эса тупроқ унумдорлигини яхшилаш ва доимий равишда такомиллаштириб бориш кўзда тутилади.

Шу жиҳатдан бизнингча, *қишлоқ хўжалигида ердан фойдаланиш самарадорлиги бу – экин майдонларидан юқори самара олиш, улардан мақсадли фойдаланиш, ердан фойдаланишнинг оптимал ўлчамларини аниқлаш, экологик талаблардан келиб чиққан ҳолда тупроқ унумдорлигини тиклаш, сақлаш ва*

[6] Бобохўжаев И., Узоқов П. Тупроқшунослик. Т.: Меҳнат, 1995. – 237-238 бетлар.

ошириш орқали тармоқда кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришни таъминлашга қаратилган тадбирлар мажмуининг таркибий қисми ҳисобланади.

Тупроқ унумдорлигини сақлаш, қайта тиклаш ёки оширишнинг асосий механизми “ердан фойдаланишни рағбатлантириш”, яъни ердан фойдаланувчи субъектларни ундан оқилона, тартибли фойдаланиш ва унинг сифатини яхшилаб боришдан бўлган манфаатдорлигини шакллантириш ҳисобланади.



1-расм. Ернинг ишлаб чиқариш воситаси сифатида хусусиятлари[7]

Ердан самарали фойдаланишни ташкил этишда ернинг табиий хусусиятларини билиш, уни амалий тартибга солиш билан боғлиқ ташкилий масалаларни ҳал этишда оқилона ёндашишга имкон беради. Бунда ерларни фойдаланиш йўналишлари бўйича таснифлаш, районлаштириш, ердан фойдаланиш режимларини белгилаш, ҳудудларни тартибга солиш, шу жумладан саноат ва бошқа объектларни жойлаштириш учун санитария муҳофазаси, ерни муҳофаза қилиш ва хавфсизлик зоналарини тақсимлаш ва тартибга солиш каби масалаларни ҳал этади. Чунки, ҳудудни ташкил қилиш барқарор ердан фойдаланишни таъминлайди, бу қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида ерлардан турли хил тартибда фойдаланиш нуқтаи назаридан айниқса муҳимдир (2-расм).

[7] Муаллиф тадқиқотлари асосида ишлаб чиқилган.



2-расм. Ердан самарали фойдаланишни ташкил этишнинг таркибий тузилмаси[8]

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки ер ресурсларидан самарали фойдаланишни ташкил этишда рағбатлантириш асосий омил бўлиб хизмат қилади. Буни тартибга солишда давлат ўзининг турли механизмлари орқали амалга оширишни таъминлайди.

“Қишлоқ хўжалигида ер ресурсларидан фойдаланиш ҳолати ва рағбатлантиришнинг ҳуқуқий жиҳатлари” деб номланган иккинчи бобда тадқиқот объекти ҳудудида қишлоқ хўжалиги ерларининг ҳолати юзасидан унинг миқдор ва сифат ўзгаришлари тенденциялари аниқланган ҳамда республикада қишлоқ хўжалиги ерларини рағбатлантиришга қаратилган амалдаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар таҳлиллари асосида қишлоқ хўжалиги ерларидан ўзга мақсадда фойдаланишда жарималар миқдорини ҳисоблаш услубларини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Монографик тадқиқот олиб борилган Қашқадарё вилоятида ислоҳот йилларида қишлоқ хўжалик ерлари ҳажми камайиш тенденциясига эга бўлиб, 2000 йилда 2511,7 минг гектарни ташкил этган бўлса, 2019 йилга келиб 2337,8 минг гектарга, яъни 6,9 фоизга камайган. Ислоҳот йилларида вилоятда суғориладиган ерларнинг ўртача бонетет баллини аниқлаш тадбирлари 2000 йил ва 2012/13 йилларда олиб борилган. 2000 йилда вилоятда суғориладиган ерлар улуши кам бўлган ва 2012/13 йилларга келиб унинг кескин кўпайиши, яъни захирадаги ерларнинг суғориладиган ерларга ўтказилиши натижасида вилоят бўйича туманлар кесимидаги ўртача бонитет балли ўсганга ўхшаб кўринади. Лекин таҳлиллар кўрсатишича, Қашқадарё вилояти туманлар кесимида қишлоқ хўжалиги ерларининг тупроқлар таркибидаги ҳаракатчан фосфорнинг ўртача миқдори (35-41 мг/кг) ҳар бир туманнинг қишлоқ хўжалиги ерларига нисбатан қишлоқ хўжалиги ерларининг 10 фоизидан ҳам паст қисмига тўғри келмоқда. Вилоятда гумуснинг ўртача миқдори (0,81-1,2) қишлоқ хўжалиги ерларининг 10 фоизга яқин улушида кўрсатмоқда. Қишлоқ хўжалигида ер ресурсларидан фойдаланишга оид салбий жараёнлар негизида

[8] Муаллиф тадқиқотлари асосида тузилган.

ердан фойдаланишда минерал ўғитларни тупроқ ҳолати инобатга олинмасдан барча контурларга бир хилда, яъни Агрокимёвий хаританома асосида киритилмаслиги оқибатида қишлоқ хўжалик экинлари томонидан тупроқдан олиб чиқиб кетиладиган озуқа моддалари ўрни қопланмасдан, тупроқ унумдорлиги ва экинлар ҳосилдорлиги пасайиб, етиштирилган маҳсулот сифати ёмонлашмоқда, атроф-муҳит ифлосланиши ортиб бормоқда.

Қайд этиш лозимки, қишлоқ хўжалиги ерларидан самарали фойдаланишни рағбатлантиришда ер солиғи имтиёзлари алоҳида аҳамиятга эга. Бу борада "Солиқ кодекси"да ҳам кўрсатилган. Бизнингча, ушбу ҳуқуқий ҳужжатлар таркибига санкцияловчи, яъни ерга оид қонунбузилишларини тартибга солувчи меъёрий ҳужжатларни киритиш мақсадга мувофиқ. Хусусан, қишлоқ хўжалиги ерларидан бошқа мақсадларда фойдаланганлик учун ердан фойдаланувчиларга иқтисодий санкцияларни қўллаш, етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш мақсадга мувофиқ.

Таъкидлаш лозимки Ўзбекистон Республикасининг "Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс"нинг 65-моддасига асосан "Ерлардан хўжасизларча фойдаланиш, объектлар қуриш пайтида унумдор қатламни олмаслик, ер майдонларидан бошқа мақсадларда фойдаланиш, ерларни фойдаланишдан чиқаришга, ҳосилдорлик пасайишига, тупроқнинг бузилиши ёки йўқ бўлиб кетишига олиб келадиган бошқа ҳаракатларни содир этиш, шунингдек таназзулга юз тутган қишлоқ хўжалиги ерларини консервациялашнинг белгиланган тартибини бузиш — фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг *бир бараваридан уч бараваригача,* мансабдор шахсларга эса — *уч бараваридан беш бараваригача* миқдорда жарима солишга сабаб бўлади"[9] деб белгилаб қўйилган.

Қашқадарё вилоятида қишлоқ хўжалигида суғориладиган ерлардан белгиланган мақсадидан бошқа мақсадда фойдаланиш юзасидан аниқланган ҳолатлар бўйича 2019 йилда вилоятнинг 15 та фермер хўжаликларида қўлланилган умумий жарима миқдори 6 545 120 сўмни ташкил этган (1-жадвал).

Бунда ҳар бир ҳолат бўйича ўртача жарима миқдори 436 341 сўмни, ер майдони эса 26,2 гектарни ташкил этмоқда. Ушбу ерларга белгиланган мақсаддан бошқа, яъни бино ва иншоотларни ўзбошимчалик билан қуриб олиш, йўллар ўтказиб олиш, карьерлар ҳосил қилиш ва бошқа қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган фаолиятлар олиб борилган, белгиланган шартнома шартларининг бузилиши билан баҳоланган.

Таҳлиллар кўрсатишича, ҳар бир ҳолатга белгиланган жарима миқдорлари базавий ҳисоблаш миқдор (БҲМ)га боғлангани ҳолда ҳисобланган бўлиб, ер участкасининг ўлчами, миқдори ёки ҳосилдорлик кўрсаткичлари умуман эътиборга олинмаган. Кўрилган ҳолатларда базавий ҳисоблаш миқдорларининг бир бараваридан беш бараваригача бўлган миқдори, қайси ҳолатда бир баравари, қайси ҳолатларда эса икки, уч, тўрт ва беш баравар қилиб белгиланиши назарда тутилмаган.

[9] Ўзбекистон Республикасининг "Маъмурий жавобгарлик тўғрисида" ги кодекси // Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. Т.: "Адолат" – 1998. Б. 320.

1-жадвал.

Қашқадарё вилоятида ўрганилган фермер хўжаликларида қишлоқ хўжалиги ерларидан бошқа мақсадда фойдаланилганда белгиланган жарима миқдорлари (2019 йил)[10]

Қишлоқ хўжалиги ерларидан бошқа мақсадда фойдаланишлар аниқланган фермер хўжаликлари сони	15
Бошқа мақсадда фойдаланиш ҳолати тури	Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 65-моддаси биринчи қисмига асосан туман захира еридан хўжасизларча фойдаланиш ва белигланган мақсададиан бошқа мақсадда фойдаланиш
Қишлоқ хўжалиги ерларидан бошқа мақсадда фойдаланилган умумий ер майдони, га	26,2
Қўлланилган умумий жарима миқдори, сўмда	6 545 120
Ўртача жарима миқдори, сўмда	436 341

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, бизнингча қишлоқ хўжалиги ерларидан бошқа мақсадда фойдаланилганда жарима миқдорини ернинг миқдори ва ҳосилдорлигини инобатга олган ҳолда ҳисоблаш мақсадга мувофиқ. Бунда қўлланиладиган жаримани ўша ер участкасидан ўз мақсадида фойдаланилганда олиниши мумкин бўлган фойдани ҳисоблаш орқали амалга ошириш лозим.

$$\mathbf{БМФ}_{жм} = \mathbf{БМФ}_{ег} \times \mathbf{ФМ}_{га} \times \mathbf{Й}_{м} \qquad (1)^{11}$$

Бу ерда: **БМФ**жм – ер участкадан бошқа мақсадда фойдаланилганда жарима миқдори, сўмда;

$\mathbf{БМФ}_{ег}$ – бошқа мақсадда фойдаланилган ер, гектарда;

$\mathbf{ФМ}_{га}$ – 1 га майдондан олинадиган жорий баҳодаги фойда миқдори, сўмда (2-формула бўйича ҳисоблаб топилади);

$\mathbf{Й}_{м}$ – қишлоқ хўжалиги ерларидан бошқа мақсадда фойдаланилган йиллар.

1-формуладаги $\mathbf{ФМ}_{га}$ – ердан ўз мақсадида фойдаланилганда олинадиган йиллик ўртача даромад бўлиб, у қуйидаги формула орқали ҳисоблаб топилади;

$$\mathbf{ФМ}_{га} = \mathbf{М}_{х} \times \mathbf{Б}_{б} \times \mathbf{Ў}_{йн} \qquad (2)^{12}$$

Бу ерда $\mathbf{М}_{х}$ – қишлоқ хўжалиги экинларининг меъёрий ҳосилдорлиги, ц/га;

$\mathbf{Б}_{б}$ – балл бонитети;

[10] Қашқадарё вилояти Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси маълумотлари асосида тузилган.

[11] Муаллиф тадқиқотлари асосида тузилган.

[12] Муаллиф тадқиқотлари асосида тузилган.

Ўйн – деҳқон бозорларида сотиладиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари тегишли турининг ўртача йиллик нархи, минг сўм/ц.

Амалдаги тартиб бўйича Қашқадарё вилояти туманларининг 15 та ҳолатда қишлоқ хўжалиги ерларидан бошқа мақсадда фойдаланилганда умумий майдони 26,2 гектарга қўлланилган умумий жарима миқдори 6545,1 минг сўмни ташкил этган. Аниқланган ҳар бир ҳолат учун ўртача жарима миқдори 436 341 сўмдан тўғри келган (2-жадвал).

2-жадвал.

Қашқадарё вилоятида ўрганилган фермер хўжаликларида таклиф этилаётган услубиёт бўйича қишлоқ хўжалиги ерларидан бошқа мақсадда фойдаланилганда ҳисобланган жарима миқдорлари[13]

Қишлоқ хўжалиги ерларидан бошқа мақсадда фойдаланишлар аниқланган фермер хўжаликлари сони	15
Бошқа мақсадда фойдаланиш ҳолати тури	Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 65-моддаси биринчи қисмига асосан туман захира еридан хўжасизларча фойдаланиш ва белигланган мақсададиан бошқа мақсадда фойдаланиш
Қишлоқ хўжалиги ерларидан бошқа мақсадда фойдаланилган умумий ер майдони, га	26,2
Умумий ўртача йиллик олинадиган жорий баҳодаги фойда миқдори ($ФМ_{га} = М_{ҳ} \times Б_{б} \times Ў_{йн}$) минг сўм	105845,675
Умумий жарима миқдори, $БМФ_{жм} = БМФ_{ег} \times ФМ_{га} \times Й_{м}$ минг сўм	99097,947
Ўртача жарима миқдори, минг сўм	6606,529

Таклиф этилаётган услубиёт бўйича (1-ифода орқали) юқоридаги 15 та фермер хўжаликларидаги ҳолатлар учун жарима миқдорини ҳисоблаганимизда жами 26,2 га ерда жарима миқдори 99097,947 минг сўмни ташкил этди. Бунда ҳар бир ҳолат учун ўртача жарима миқдори 6606,529 минг сўмдан тўғри келиши ҳисоблаб чиқилди. Амалдаги тартиб бўйича ва таклиф этилаётган услубиёт бўйича ҳисобланган жарима миқдорларининг қиёсий натижалари 3-жадвалда акс этган.

[13] Муаллиф тадқиқотлари асосида тузилган.

3-жадвал.

Қашқадарё вилоятида ўрганилган фермер хўжаликларида қишлоқ хўжалиги ерларидан бошқа мақсадда фойдаланилганда ҳисобланган жарима миқдорларини ҳисоблашнинг қиёсий жадвали[14]

Қонун бузилишлар аниқланган фермер хўжалик-лари сони	Қонун бузилишлар содир этилган умумий ер майдони, га	Амалдаги тартиб бўйича жарима миқдори, минг сўм	Таклиф бўйича ҳисобланган жарима миқдори, $БМФ_{жм}=БМФ_{ер}\times ФМ_{га}\times Й_{м}$, минг сўм	Фарқи, минг сўм
15	26,2	6545,1	99097,9	+ 92552,8

Ҳисоб-китобларга кўра, фермер хўжаликларида ерлардан бошқа мақсадда фойдаланилганда ҳисобланган умумий жарима миқдори 6541,1 минг сўмни ташкил этган бўлса, таклиф этилаётган услуб бўйича эса бу кўрсаткич жами 99097,9 минг сўмни ташкил этмоқда. Улар орасидаги фарқ 92552,8 минг сўм миқдорни ташкил этади.

Хулоса қилиб айтганда, амалдаги қишлоқ хўжали ерларидан бошқа мақсадларда фойдаланилганда белгиланаётган жарималар аниқ ҳисоб-китобга асосланмаган бўлиб, ердан фойдаланувчиларда ерга бўлган, айниқса қишлоқ хўжалиги ерларига бўлган муносабатни ўзгартирмайди. Тавсия этилаётган услубий ёндашув қишлоқ хўжалиги ерларидан бошқа мақсадларда фойдаланилганда жарима миқдорини амалдагисига нисбатан ўртача 5,6 баробарга оширади. Бунинг натижасида эса қишлоқ хўжалиги ерларининг қишлоқ хўжалиги истеъмолидан чиқиб кетишининг олди олинади ва ҳуқуқий муҳофазаси мустаҳкамланади.

“Қишлоқ хўжалигида ер ресурсларидан самарали фойдаланишни рағбатлантириш йўналишлари” деб номланган учинчи бобда ер солиғини ҳисоблашда қишлоқ хўжалиги ерларининг меъёрий қийматларини ҳосилдорликни тўғриловчи коэффициентлар орқали амалга ошириш, қишлоқ хўжалиги ерлари мониторинг тизимини рақамлаштириш, хусусан қишлоқ хўжалиги ерларининг космик мониторингини олиб бориш бўйича тавсиялар берилган.

“Солиқ кодекси”га асосан ер солиғи қишлоқ хўжалиги ерларининг меъёрий қийматига боғланган ҳолда амалга оширилгани ҳолда ер эгаларини тупроқ унумдорлигини оширишдан рағбатлантирмайди.

Тупроқ унумдорлигини аниқлашда бонитет балли асосий кўрсаткич ҳисобланади. Қишлоқ хўжалиги ерларининг меъёрий қийматига таъсир этувчи меъёрий ҳосилдорликни ҳисоблашда бизнингча, ҳосилдорликни тўғриловчи рағбатлантирувчи ва жазоловчи коэффициентларни қўллаш мақсадга мувофиқ.

[14] Муаллиф тадқиқотлари асосида тузилган.

Бунда қишлоқ хўжалиги ерларининг меъёрий қийматини аниқлашда бонитет баллини ошириш бўйича рағбатлантирувчи (Кр) ва бонитет балли камайганда эса ошувчи (Кж) коэффициентларни қўллаш тавсия этилади.

$$\mathbf{К} = \mathbf{Б}_{ҳ} - \mathbf{Б}_{о} \qquad (3)\ ^{15}$$

Бу ерда: **К** – рағбатлантирувчи ёки жазоловчи коэффициент;

$\mathbf{Б}_{ҳ}$ – жорий меъёрий қийматни ҳисоблаш давридаги бонитет балл;

$\mathbf{Б}_{о}$ – олдинги меъёрий қийматни ҳисоблашдаги бонитет балл.

Бу ҳолатда коэффициент мусбат (+) ёки манфий (–) бўлиши мумкин.

Келтирилган коэффициентлар бонитет бали ердан фойдаланувчи томонидан тегишли мелиоратив тадбирлар ҳамда тупроқ унумдорлигини ошириш бўйича олиб борилган тадбирлар натижасида ижобий фарқ рағбатлантирувчи коэффициент сифатида Кр тупроқ бонитировкаси ишларининг ҳар беш йилда олиб борилиши[16] натижасида максимал даражада 10 баллга ўсиши мумкинлиги асос қилиб олинган ва аксинча ерга бўлган нотўғри муносабат натижасида бонитет баллнинг пасайиши натижасидаги салбий фарқлар жазоловчи коэффициент Кж кўринишида ҳисоблаб чиқилган.

Бунда ҳосилдорликни тўғриловчи коэффициентлар бўйича ҳисоблаш қуйидаги кўринишга келади:

$$\mathbf{М}_{уқхэ} = \mathbf{М}_{ҳқхэ} \times \mathbf{Ў}_{йн} \times \mathbf{К} \qquad (4),$$

$\mathbf{М}_{уқхэ}$ — 1 га қишлоқ хўжалиги экинларининг меъёрий унумдорлиги, минг сўм;

$\mathbf{М}_{ҳқхэ}$ – қишлоқ хўжалиги экинларининг меъёрий ҳосилдорлиги, ц/га;

$\mathbf{Ў}_{йн}$ – деҳқон бозорларида сотиладиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари тегишли турига ўртача йиллик нарх, минг сўм/ц, пахта хом ашёси ва бошоқли дон экинларининг харид нархи минг сўм/ц,

К – ижобий ҳолатда рағбатлантирувчи ($\mathbf{К}_{р}$) ёки салбий ҳолатда жазоловчи ($\mathbf{К}_{ж}$) коэффициент.

Монографик тадқиқотлар олиб борилган Қашқадарё вилоятининг Нишон тумани “Пахтобод” массивидаги пахта-ғаллачиликка ихтисослашган фермер хўжаликларида ердан фойдаланганликлари учун ундирилган солиқ миқдорлари амалдаги низом ҳамда таклиф этилаётган рағбатлантирувчи коэффициентлар бўйича ҳисоблар ўртасидаги қиёсий таҳлил натижалари кўрсатишича солиқ миқдори ўртача 19,1 фоизга камайиши олиб келишини кўриш мумкин (4-жадвал).

Шунингдек, жазоловчи коэффициентлар бўйича ҳисобланганда эса солиқ миқдори ўртача 15,59 фоизга ўсганини кўриш мумкин (5-жадвал).

[15] Муаллиф томонидан тадқиқотлар натижасида ишлаб чиқилган.

